

809 - وَعَنْ أَبِي جُرَيْرَ بْنِ سُلَيْمَانَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: رَأَيْتُ رَجُلًا يَصُدُّ النَّاسَ عَنْ رَأْيِهِ؛ لَا يَقُولُ شَيْئًا إِلَّا صَدَرُوا عَنْهُ، قَلْتُ: مَنْ هَذَا؟ قَالُوا: رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، قَلْتُ: عَلَيْكَ السَّلَامُ يَا رَسُولَ اللَّهِ - مَرْسَتِينِ - قَالَ: «لَا تَقْعُلْ عَلَيْكَ السَّلَامُ؛ عَلَيْكَ السَّلَامُ تَحِيَّةُ الْمَوْتَىٰ، قُلْ: السَّلَامُ عَلَيْكَ» قَالَ: أَنْتَ رَسُولُ اللَّهِ؟ قَالَ: «أَنَا رَسُولُ اللَّهِ الَّذِي إِذَا أَصَابَكَ ضُرٌّ فَدَعَوْتَهُ كَشْفَهُ عَنْكَ، وَإِذَا أَصَابَكَ عَامٌ سَنَةٌ فَدَعَوْتَهُ أَتْبِتَهَا لَكَ، وَإِذَا كُنْتَ بِأَرْضٍ قَفْرٍ أَوْ فَلَّةٍ، فَضَلَّتْ رَاهِلَتُكَ، فَدَعَوْتَهُ رَدَّهَا عَلَيْكَ»، قَالَ: اعْهَدْ إِلَيَّ، قَالَ: «لَا تَسْبِّحْ أَحَدًا»، قَالَ: فَمَا سَبَبْتُ بَعْدَهُ حُسْنًا، وَلَا عَبْدًا، وَلَا بَعِيرًا، وَلَا شَاءًا «وَلَا تَحْقِرْنَ مِنَ الْمَعْرُوفِ شَيْئًا، وَأَنْ تُكَلِّمْ أَخَاكَ وَأَنْ تُبَسِّطْ إِلَيْهِ وَجْهَكَ؛ إِنَّ ذَلِكَ مِنَ الْمَعْرُوفِ، وَأَرْفَعْ إِزَارَكَ إِلَى نِصْفِ السَّاقِ، فَإِنْ أَبِيتَ فَإِلَيَّ الْكَعْبَيْنِ، وَإِيَّاكَ وَإِسْبَالَ الإِزَارِ؛ فَإِنَّهَا مِنَ الْمَخِيلَةِ وَإِنَّ اللَّهَ لَا يُحِبُّ الْمَخِيلَةَ، وَإِنِّي أَمْرُؤُ شَتَمَكَ وَعَيْرَكَ بِمَا يَعْلَمُ فِيهِكَ فَلَا تُعَيِّرْهُ بِمَا تَعْلَمُ فِيهِ؛ فَإِنَّمَا وَبَأْلُ ذَلِكَ عَلَيْهِ». رَوَاهُ أَبُو دَاؤُدَ وَالترْمِذِيُّ بِإِسْنَادٍ صَحِيحٍ، وَقَالَ التَّرْمِذِيُّ: حَدِيثٌ حَسَنٌ صَحِيقٌ [د 4084، ت 2722].

809. Абу Журай Жобир ибн Сулайм розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Бир кишини кўрдим, одамлар унинг фикри билан иш кўришар, у нима деса, ўшани албатта қабул қилишар эди. «Бу ким?» десам, «Бу зот – Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам», дейишди. Мен икки марта: «Алайкас-салом, эй Аллоҳнинг Расули!» деган эдим, у зот: «**Алайкас-салом**» демагин, «**Алайкас-салом**» дейиш маййитга бериладиган саломдир. Сен «**Ассалаamu ъалайка**», дегин», дедилар. Мен: «Аллоҳнинг Расули соллаллоҳу алайҳи васаллам сизмисиз?» дедим. У зот шундай дедилар: «**Ха.** Мен - сенга зарар етганда дуо қилсанг, күшойиш берадиган, қаҳатчилик етганда дуо қилсанг, сенга экинларни ўстириб

**берадиган, дашту биёбонда юрганингда уловинг йўқолиб қолганда дуо қилсанг, сенга уни қайтариб берадиган Аллоҳнинг Расулиман». «Мендан аҳд олинг», дедим. У зот шундай дедилар: «**Ҳеч кимни сўкмагин** – шундан кейин ҳурни ҳам, қулни ҳам, туюни ҳам, қўйни ҳам сўкмадим – **Яхши ишда ҳеч бир амални оз санамагин. Биродаринг билан сўзлашсанг, очиқ юзли бўлгин. Мана шулар маъруфдандир. Изорингни болдирингнинг ярмигача кўтариб олгин, агар бундай қилмасанг, тўпифинггача. Изорингни судраб юришдан ҳазир бўлгин, чунки бу манманликдандир, Аллоҳ азза ва жалла эса манманликни суймайди. Кимдир сени сўкиб, сенда бор сифатни айбласа, сен ҳам унда бор нарса билан уни айбламагин, бунинг гуноҳи ўзига».****

*Абу Довуд ва Термизий саҳих саҳих иснод билан ривоят қилишди. Термизий ҳасан, саҳих ҳадис, дедилар.*

**Шарҳ:** Гапнинг сиёқидан кўриниб турибдики, Жобир ибн Сулайм розияллоҳу анҳу ушбу ўзлари ривоят қилиб бераётган ҳодисадан олдин мусулмон бўлсалар ҳам, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламни кўрмаган эканлар.

**«Бир кишини кўрдим, одамлар унинг фикри билан иш кўришар, у нима деса, ўшани албатта қабул қилишар эди».**

Бу ҳолат Жобир ибн Сулайм розияллоҳу анҳуни қизиқтириб қолди. Чунки бир гап бўлмаса, ўша пайтда у ернинг одамлари бир кишига бунчалик бўйсунадиган эмас эдилар. Гап ҳамманинг ҳурмат-эътиборига сазовор бўлган шахсда эди. Келинг, кейин нима бўлганини Жобир ибн Сулайм розияллоҳу анҳунинг ўзидан нақл қилайлик:

**«Бу ким?» дедим.**

**«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам», дейишиди».**

Бу жавобни эшитгандан кейин Жобир ибн Сулайм розияллоҳу анҳу дарҳол ўзига келди. Хабарларини эшитиб, ўзларини кўришни орзу қилиб юрган зотни учратиб қолганидан беҳад хурсанд бўлди-да:

**«Алайкассаламу, я Расулаллоҳ!» деб икки марта»** айтди.

Эҳтимол, шошилиб қолганидан икки марта салом бергандир. Эҳтимол, шошилиб қолганидан саломни нотўғри бергандир. Шунинг учун ҳам, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унинг хатосини тўғрилаб:

**«Алайкассаламу» дема, бу ўликларга айтилади. Ассаламу алайка, дегин», дедилар».**

Демак, салом беришда ҳам эҳтиёт бўлиб, тўғри талаффуз қилиш керак экан. Жобир ибн Сулайм розияллоҳу анҳу бу танбеҳни эшитиб, ундан тегишли

хулоса чиқариб олғандан кейин, асосий мақсадға ўтди.

### **«Сиз Аллоҳнинг Расулимисиз?» дедим».**

У киши бу савол билан одамлардан эшитган гапни тасдиқлаб олмоқчи бўлди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам фурсатдан фойдаланиб, ўзлари қандоқ зотнинг Расули эканликларини батафсилроқ баён этдилар.

**«Ха. Мен - сенга зарар етганда дуо қилсанг, күшойиш берадиган, қаҳатчилик етганда дуо қилсанг, сенга экинларни ўстириб берадиган, дашту биёбонда юрганингда уловинг йўқолиб қолганда дуо қилсанг, сенга уни қайтариб берадиган Аллоҳнинг Расулиман».**

Кўриниб турибдики, ортиқча гапга ўрин қўймайдиган жавоб бўлди. Шунинг учун Жобир ибн Сулайм розияллоҳу анҳу Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан фойдаланиб қолиш йўлига ўтди.

### **«Мендан аҳд олинг», дедим.**

Ўзини билган ҳар бир одам улуғ зотларни кўрганда улардан ўзлари учун бир умрга етадиган панд-насиҳат эшитиб қолишга уринадилар. Жобир ибн Сулайм розияллоҳу анҳу ҳам худди шуни хоҳлаган эди ва мақсадига эришди ҳам.

**«Зинҳор ва зинҳор бирортани сўкма» дедилар. Бас, шундан кейин ҳурни ҳам, қулни ҳам, туюни ҳам, қўйни ҳам ҳеч-ҳеч сўкмадим».**

Жобир ибн Сулайм розияллоҳу анҳу Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг берган биринчи тавсияларига қандоқ амал қилганларини ҳам қўшиб зикр қилмоқдалар.

Албатта, сўкиш ёмон нарса, унинг шахсга ва жамиятга етказадиган заарлари чексиз. Бу нокулай одатнинг мазамматида кўплаб ҳадиси шарифлар келган. Ислом дини мусулмонларнинг сўкишдан йироқ бўлишларини таъминлаш учун алоҳида тарбиявий ишларни йўлга қўйган. Бу борада кези келганда, иншааллоҳ, батафсил сўз юритилади.

Жобир ибн Сулайм розияллоҳу анҳу Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламдан сўкиш ҳақида олган насиҳатларига умр бўйи оғишимай амал қилганлари ила фахрланмоқдалар. Дарҳақиқат, бу ҳар қанча мақтовга сазовор иш. Қаранг-а, у киши ҳатто ҳайвонларни ҳам сўкмаптилар!

### **«Яҳшиликтан ҳеч бир нарсани зинҳор ҳақир санама».**

Яъни, бу арзимаган иш-ку, деб яҳшиликтни қилмай қўйма. Кичик, арзимаган бўлса ҳам, яҳшиликтни ҳеч қолдирмай қилишга урин.

**«Биродарингга очиқ юз билан гапиришинг ҳам яхшиликдандир».**

Шунинг учун биродарингга очиқ юз билан боқиши зинҳор канда қилма.

**«Изорингни болдирилган ярмигача кўтар. Агар қўнмасанг икки тўпиққача. Изорни осилтириб юришдан сақлан. Чунки, бу иш тақаббурликтандир. Албатта, Аллоҳ тақаббурликин суймас».**

Ушбу ҳадиси шарифни мана шу бобда зикр қилинишига айнан шу иқтибос сабаб бўлган. Бу ривоятда ҳам олдинги ривоятларда келган маъно таъкидланмоқда. Кийимни узун қилиб судраб юриш қораланмоқда.

**Кимдир сени сўкиб, сенда бор сифатни айбласа, сен ҳам унда бор нарса билан уни айбламагин, бунинг гуноҳи ўзига», дедилар».**

Ҳа, бир томон бир оғиз гапдан қолса, олам гулистон. Агар икки томон ҳам бир-биридан қолишмай ўз шеригини сўқаверса, айблайверса иш мадда олиб кетиб, оқибати ёмонлик билан тугаши турган гап.

**Ушбу ҳадиси шарифдан олинадиган хулосалар:**

1. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам сўзлари сўзсиз қабул бўладиган зот бўлганлари.
2. Саҳобаи киромлар Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга итоат қилишда олий даражали намуна бўлганлари.
3. «Алайқассаламу» ибораси ўликларга бериладиган салом экани.
4. Тирик одамга салом бериш «Ассаламу алайкум» лафзи ила бўлиши.
5. Улуғ одамларни кўрганда улардан панд-насиҳат, кўрсатмалар сўраб қолиш кераклиги.
6. Сўкиш ёмон нарса экани.
7. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатларига ихлос ила амал қилиш кераклиги.
8. Яхшиликнинг энг кичигини ҳам ҳақир санамаслик кераклиги.
9. Кийимни узун қилиб судраб юриш жоиз эмаслиги.
10. Икки мусулмон орасида бир-бирини сўкиш, айблаш хавфи туғилиб қолганда ўзини тийгани саломат қолиб, сўкканга ёмонлик уриши.

Манба: [hadis.islom.uz](http://hadis.islom.uz)

